

ЦИТРУС МЕВАЛАР ЕТИШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

THE NEED FOR GROWING CITRUS FRUITS AND ITS ROLE IN INCREASE OF POPULATION INCOME

НЕОБХОДИМОСТЬ ВЫРАЩИВАНИЯ ЦИТРУСОВЫХ ПЛОДОВ И ЕГО РОЛЬ В ПОВЫШЕНИИ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ

Қурбонов Шовқи –
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
таянч докторанти.

Аннотация: Мақолада цитрус меваларни етиштириш аҳамияти, зарурияти, мамлакатимизда уларни етиштиришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари, ҳозирли ҳолати ҳамда истиқболда амалга ошириладиган вазифалар юзасидан фикр юритилган. Цитрус мевалар етиштириш тизимини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарувчи ҳолатлар ўрганилган ҳолда хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: цитрус мевалар, ташкилий ҳуқуқий асослари, миқийёс, қўллаб-қувватлаш йўналишлари, рағбатлантириш, иссиқхона, ҳимояланган ер, лимон.

Abstract: The article discusses the importance and necessity of growing citrus fruits, the organizational and legal basis of growing them in our country, the current situation, and future tasks. Conclusions have been formed by studying the circumstances that lead to the need to develop the citrus fruit cultivation system.

Key words: citrus fruits, organizational legal basis, scale, directions of support, incentives, greenhouse, protected land, lemon.

Аннотация: В статье рассматриваются важность и необходимость выращивания цитрусовых, организационно-правовые основы их выращивания в нашей стране, современное состояние и задачи на будущее. Выводы сформированы путем изучения обстоятельств, обуславливающих необходимость развития системы выращивания цитрусовых.

Ключевые слова: цитрусовые, организационно-правовая база, масштабы, направления поддержки, льготы, теплица, заповедные земли, лимон.

Кириш.

Цитрус меваларни етиштириш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ тадбирлар инсониятга эрамиздан олганги даврлардан бери маълум бўлиб, у ўзининг фойдали хусусиятлари билан доим талабгир мевалардан ҳисобланган. Бугунги кунда цитрус меваларни тропик ва субтропик иқлимга эга бўлган барча давлатлар табиий ҳолда кенг майдонларда ёки ҳимояланган кичик майдонларда (иссиқхоналарда) етиштиради. Мазкур мевалар ўзининг бетакрор таъми, озуқавий хусусияти ва фойдали жиҳатлари боис бошқа мевалар ажралиб туради. Соҳа мутахассисларининг фикрича дунёда етиштирилаётган цитрус меваларнинг салмоқли қисми (мева тури ва етиштириш мавсумига қараб 60 фоиздан ортиғи) янги узилган ҳолда истеъмол

қилинади. Қайта ишаш саноати учун ҳам асосий хомашё базаси ҳисобланади. Бу турдаги мевалар ўзининг серсувлиги ҳамда рангдорлиги боис одатда шарбат шаклида қайта ишлашга урғу қаратилади.

Цитрус меваларни қайта ишлаш саноати жадал ривожланиб бораётган бўлиб, бошқа мевалар орасида етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айни пайтда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида цитрус меваларни саноат асосида етиштириш йўлга қўйилган. Цитрус етиштирувчи асосий давлатлар Хитой, АҚШ, Бразилия, Испания, Япония, Мексика, Италия, Исроил, Ҳиндистон, Туркия, Аргентина, Миср ҳисобланади. Дунёда цитрус мевалар ишлаб чиқаришда Хитой ва АҚШ етакчилик қилади ва Яқин Шарқ, Жанубий Африка, Австралия ва

Жанубий Американинг кўплаб мамлакатлари учун қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Дунёда цитрус мевалар экинлари жами 3 миллион гектарга яқин майдонни эгаллайди, улардан ҳар йили 78 миллион тоннага яқин турли хил мевалар олинади. Мева етиштириш нисбатига кўра 66% – апелсин, 16% – мандарин гуруҳи (мандин, мандарин, клементин), 11% – лимон ва оҳак, 7% – грейфуртни ташкил этади [1].

Цитрус меваларга талабнинг ортиб бориши ва уни етиштириш технологияларининг ривожланиб бораётганлиги ҳамда соҳага оид илмий тадқиқотларнинг кенг кўламда олиб борилиши натижасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида цитрус меваларни етиштиришга эътибор қаратилмоқда. Шу боис, мамлакатимиз шароитида уни етиштириш ва сотишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Олимларнинг фикрича бугунги кунда цитрус меваларни етиштириш биоиклим шароитларига ва ресурслардан самарали фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, у боради дастлаб иқтисодий самарадорлиги аниқлаш мақсадга мувофиқ. Хусусан, бу борада С.М. Гулов, Ф.С. Абдувасилевлар тадқиқот олиб борган бўлиб, цитрус мевалар етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини пахта етиштириш билан таққослаган ҳолда лимон етиштиришда даромад пахтага нисбатан 30–50 баробар, фойда эса 70 баробар юқори эканлигини таъкидлаган ҳамда пахта етиштириш самарадорлигига нисбатан паст бўлган ҳудудлар учун цитрус мевалар “бефур” экинлардан бири бўлиши мумкинлиги тўғрисида хулосага келган.

Шунингдек, россиялик олимлар В.М. Горшков, А.В. Рындиновлар фикрича сўнгги йилларда витанимларга бой, органик меваларни истеъмол қилиш билан боғлиқ йўналишлар, хусусан агротуризм барқарор ривожланиб бораётган бўлиб, унда цитрус меваларнинг ўрни беқиёс. Бу айниқса очик майдонларда цитрус мевалар етиштириш билан шуғулланадиган ҳудудлар учун янги имкониятлани очиб беради [2].

Қозоғистонлик олимлар Г.Ш. Калиакпарова ва бошқалар эса боис соҳани давлат

томонидан кўллаб-қувватлаш, уруғчилик, хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техник базасини янгилаш, энг илғор технологияларни қўллаш, ҳосилдорликни ошириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, қозоқ цитрус етиштиришни оммалаштириш учун шарт-шароит яратиш зарур [3]” деб ҳисоблайди. Муаллифлар фикрича, цитрус мевалар орасида энг талаб ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлгани бу лимон ҳисобланади. Боғдорчилик маҳсулотлари орасида цитрус мевалардан ташқари бу каби йўналишларда бевосита фойдаланиладиган ва юқори самара берадиган йўналишлари мавжуд эмас.

А.В. Рындинов, В.М. Горшков, Р.В. Кулян, Н.Н. Карпун, Е.А. Игнатова, Д.А. Сабекия[4] каби олимлар томонидан цитрус меваларнинг декоратив хусусияти туфайли “ҳавскор боғдорчилик” учун ҳам энг самарали йўналишлардан бири сифатида талқин этилади. У уй шароитида тувакларда ҳам етиштириш ва безак бериш мумкинлиги боис, боғдорчиликнинг ривожланиб бораётган йўналишларидан саналади.

ФАО мутахассиларининг фикрича Хитойда цитрус меваларни етиштириш анъанавий ва интенсив усуллар кенг ривожланиб бораётган бўлиб, давлат икки йўналишни ҳам бир вақтда рағбатлантириб бормоқда. Бу жанубий-шарқий ҳудудларидаги узок йиллик цитрус етиштириш анъанаси, миллий генетик базани сақлаб қолиш ва унга асрашга қаратилган бўлса, ғарбий провинцияларида интенсив асосда цитрус меваларни етиштиришга қаратилган генетик тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда [5].

Тадқиқот методологияси

Мамлакатимиз шароитида цитрус мевалар етиштиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини ўрганиш бўлиб, бу цитрус мевалар етиштиришнинг ўзиг ахос жиҳатларини аниқлаш орқали соҳани янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди. Тадқиқотлар асосида табиий омиллар таъсирини баҳолаган ҳолда цитрус меваларни етиштириш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ асосий муаммолар, хавф ва таҳдидлар ҳамда истиқболдаги вазифалар ёритилди. Цитрус мевалар етиш-

тиришни ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини, аҳолини қўшимча даромад ҳамда иш ўрни билан таъминлаш, шунингдек, ресурслардан оптимал фойдаланиш азур-риятлари билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Республикамизда иқтисодий ўсиш, саноат тармоғининг ривожини ҳамда аҳоли сонининг тобора ортиб бориши билан озиқ-овқат, хусусан меваларга ва уни қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотлар, уларнинг тури ва сифатига бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, цитрус мевалар ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотларига бўлган талаб бошқа барча мевали экинлар орасида машхурлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради, десак муболаға бўлмайди. Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам цитрус мевалар ва уларнинг иккиламчи маҳсулотларига (шарбат, мармелад, цукат, эфир мойлари ва ҳ.к.) бўлган талаб анча ортди. Бунга боғлиқ равишда лимон экинини республикамиз шароитида етиштиришга ёндашув ҳам тубдан ўзгарди [6].

Айниқса мамлакатимизда ёпиқ ҳимояланган майдонларда лимон етиштиришга алоҳида урғу брилиб, сўнги йилларда соҳани янада ривожлантириш юзасидан бир қатор қарор ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, республикада 2018-2019 йилларда 46 млн АҚШ доллари миқдоридagi хорижий кредит линиялари жалб қилиниб, 730 гектар майдонда замонавий лимонзорлар барпо этилди, лимон етиштириладиган иссиқхоналар умумий майдони 1 221 гектарга етказилди [7].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4610-сонли қарори билан «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси номини «Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси деб ўзгартирилди ҳамда Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий – амалий маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ва-

зифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5009-сонли қарори қабул қилиниб, қарор билан лимон етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш йўналишлари белгилаб берилди.

Бугунги кунда лимон етиштирувчи хўжаликларга қуйидаги имтиёз ва имкониятлар яратиб берилган. Хусусан:

- қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан лимон етиштириш мақсадида иссиқхоналарда қўллаш учун сотиб олинган муқобил энергия қурилмалари қийматининг 30 фоизгача бўлган қисмини қоплаб берилади;

- янги барпо этилган лимонзорларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб берилади;

- иссиқхоналарда янги лимонзорларни барпо этиш ва лимон кўчатларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳар бир сотихи учун 300 минг сўм миқдоридa қоплаб берилади;


- лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт (темир йўл ва авиация транспорти) харажатларининг 25 фоизгача бўлган миқдори Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида қоплаб берилади.

Мустақиллик йилларида боғдорчилик тармоғи қишлоқ хўжалигининг умумий йўналиш сифатида қаралган бўлса, сўнги йилларда оғдорчиликнинг алоҳида тармоқларини ривожлантириш юзасидан агроислохотлар оилб борилмоқда. Бу ёнғоқчилик, лимончилик, гилос каби йўналишларда алоҳида қарор ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларни ташкилий ва иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос дастаклари ишлаб чиқилмоқда. Бу эса мазкур йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш, иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, рағбатлантиришга оид дастакларнинг бозор механизмларини жорий этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишни долзарблаштирмоқда.

Юқоридагиларга асосан таъкидлаш мумкинки, цитрус мевалар етиштириш мамлакатимиз иқтисодиёти учун истиқболда долзарб йўналишлардан бирига айланиб,

унинг илмий ва амалий асосларини доимий равишда ўрганиб боришни тақазо этади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда цитрус мевалар етиштириш зарурияти куйидаги бир қатор омиллар таъсирида юзага

келаётган бўлиб, унинг фундаментал асосини, истиқболдаги концентуал йўналишларини ишлаб чиқишда мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Цитрус мевалар етиштириш тизимини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарувчи ҳолатлар¹

Хусусан, мева-сабзавотчилик кластерларининг ташкил этилиши агросаноатнинг ривожланишида янги босқичларни бошлаб беради. Бу эса кластерлар томонидан ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, янги ва ноанъанавий экинларни парваришлаш, уларни қайта ишлаш орқали истеъмол бозорида янги сегментларни эгаллаш заруриятини юзага келтирди. Бу эса истеъмол бозорида катта талабга эга бўлган цитрус меваларни етиштириш орқали хом ашё базасига эга

бўлишни талаб этмоқда.

Шубилан биргаликда бугунгикунда барча тоифадаги хўжаликлар учун иссиқхоналарни ташкил этиш ва ресурслар билан таъминлаш борасида қарор ва фармонлар қабул қилинган бўлиб, сўнги йилларда уларнинг майдони 3 баорбарга ошди. Бу эса цитрус меваларни етиштириш учун қулай муҳит бўлиб, талабгир маҳсулотларни иссиқхоналарга жойлаштириш орқали маҳсулот ҳажмини ошириш давр талабига айланмоқда.

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Ўз навбатида сўнги йилларда глобал иқтисодиётда кузатилаётган пандемия ва турли уруш ҳолатлари халқаро логистика тизимида катта зарар етказиб, унинг улулишига олиб келмоқда. Бу эса ички бозорни маҳсулотлар билан таъминлашда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Бундай шароитда ички имкониятлар орқали истеъмол бозорини тўлдириш зарурияти ортиб боради. Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан ташқи омиллар таъмирида бозорларда баҳонинг кескин тебраниш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг ягона ечими эса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сони ва қувватини ошириш саналади.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш ва истиқболда лимон етиштиришни саноат асосидаги технологик жараёнларга айлантириш мақсадида фикримизча қуйидаги тадбирларни бажариш мақсадга мувофиқ.

- соҳада кооперация муносабатларини жорий этиш ва кооперация шартлари асосида цитрус ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга етказиш;

- сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этиш ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- мавжуд иссиқхоналарни модернизация қилиш ҳамда серҳосил, экспортбоп лимон навлари коллекциясини ва кўргазмали лимон плантацияларини яратиш;

- цитрус ўсимликлар, экспорт ва импорт маҳсулотларини сертификатлашга оид билим

ва кўникмаларни кенг тарғиб қилиш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни минерал ўғитлар ва кимёвий моддалар билан таъминлашда тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш;

- цитрус ўсимликларни қайта ишлаш, янги инновацион технологияларни жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш тизимини яратиш, бунда давлат хусусий шерикчилик механизмларидан кенг фойдаланиш;

- соҳани ривожлантириш бўйича хорижий технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, янгиликларга оид маълумотларни маҳсулот етиштирувчиларга тарғиб қилиш, етказиб бериш ва илмий хизматларни кўрсатиш;

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда аҳоли сони ортиши, ижтимоий меъёрларнинг яхшиланиши, қайта ишлаш кархоналарининг ривожланиши натижасида цитрус меваларга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бораётган бўлиб, мамлакатимизда уни талаб даражасида етиштириш ҳамда экспорт қилиш салоҳияти мавжуд. Цитрус меваларни етиштириш ва қайта ишлаш тизимини барқарор ривожлантириш орқали деҳқон хўжаликларини қўшимча даромад манбаи билан таъминлаш, йирик иссиқхона хўжаликларини эса замонавий техник ва технологик модернизациялаш каби имкониятлари яратилади.

Бунинг учун эса, аввало соҳанинг илмий асоларини такомиллаштириш, маҳсулот етиштирувчилар кундалик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни тизимли ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ралдугина С.Н., Кулян Р.В. Краткий обзор производства плодов мандариновой группы (мандарин, танжерин, клементин) в некоторых странах мира. Субтропическое и декоративное садоводство. 20 ст.
2. Горшков В.М., Рындин А.В. Специфика природных условий и особенности цитрусоводства в субтропиках России. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_17638239_41708962.pdf
3. Г.Ш.Калиакпарова. Тенденции развития цитрусоводства в республике Казахстан. Проблемы агрорынка, № 4, 2021. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_47552569_31144235.pdf
4. Любительское цитрусоводство. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=26418280>
5. Mr. Liu Xinlu. The Past, Present, and Future of China's Citrus Industry. <https://www.fao.org/3/X6732E/x6732e01.htm#:~:text=Citrus%20production%20in%20China%20is,and%201.3%20million%20in%202000>.

6. Цитрус мевали ўсимликлар етиштириш. “Агробанк” АТБ – 2021
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4610-сон қарори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Юсупов Мухиддин Соатович –

Тошкент давлат иқтисодийёт университети докторанти, *PhD, доцент*

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳқамлаш ва камбағалликни қисқартириш механизмлари, жумладан аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ва “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Таянч мборалар: барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсиш, камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат таъминоти, очликка барҳам бериш, аграр сектор, қўшилган қиймат занжири, рақамли технологиялар, ақлли қишлоқ хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги 4.0, ақлли деҳқончилик, ақлли дала, ақлли ферма

Кириш

Кейинги йилларда дунёда рўй бераётган турли инқирозлар, иқлим ўзгаришлари, сиёсий кескинлик ва урушлар, пандемия каби ғавқулдда ҳодисалар туфайли очлик ва камбағаллик даражаси ортиб бормоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Қишлоқ хўжалиги ривожланиши халқаро жамғармаси (IFAD), БМТнинг Халқаро болалар фонди (UNICEF), Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) тадқиқотларида қайд этилишича; 2021 йили 2015 йилга нисбатан жаҳон бўйлаб очликдан азоб чекаётганлар салмоғи 8,0 дан 9,8 %га ортган; 2021 йили 702 дан 828 млн.гача киши тўйиб овқатлана олмаган; COVID-19 пандемияси туфайли очликдан азоб чекканлар сони 2019-2020 йиллар давомида 103 млн., 2021 йилда эса 46 млн. кишига ортган; соғлом овқатланиш рационали қийматининг қимматлиги камбағаллик ва даромадлар нотенглиги юқори бўлган шароитда ер юзи бўйлаб деярли 3 млрд. киши етарли миқдорда озиқ-овқат истеъмол қилиш имкониятига эга бўлмайди ва келгусида дунё аҳолисининг 11,7 %и озиқ-

овқат тақчиллигига дуч келиши мумкин [1; 2].

Ҳамма жойда камбағалликнинг барча шакллари тўлиқ бартараф этиш, очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳқамлаш ва овқатланиш рационини яхшилаш, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилгача қабул қилинган 17 та та глобал мақсад ҳамда 169 та вазифаларни қамраб олган “Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)”нинг энг муҳим вазифаларидан саналади. БМТ таърифига кўра “Барқарор ривожланиш бўлғуси авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган имкониятларига зарар етказмаган ҳолда ҳозирги авлодларнинг эҳтиёжларига мос келувчи ривожланишни таъминлаш ҳисобланади. Барқарор ривожланиш мақсадлари – бу барча учун янада барқарор келажак ва энг яхши натижаларга эришиш режаси. Улар қашшоқлик, тенгсизлик, иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳит ифлосланиши, тинчлик ва адолатнинг бузилиши каби биз дуч келадиган глобал муаммолар ечимини топишга йўналтирилган. Бундай ривожланиш ер юзи бўйлаб инсонларнинг барқарор, инклюзив